Бир ғазал таҳлили

# «...ОҲИМДИН ЖАҲОНГА ТУШДИ ЎТ»

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг юракларни ўртайдиган ўтли ғазаллари жуда кўп. Уларни ўқиган ҳар бир китобхон ошиқнинг руҳий изтиробларидан зор қақшаб, қалбан ўртанади. Биз адабий даҳомизнинг сезгир ғазал шайдоларини куйдирадиган ва ёндирадиган шеърлари орасидан «тушти ўт» радифли ғазалини танладик ва унинг мазмуни билан ўртоқлашишга жазм этдик. Чунки бугун Алишер Навоий биз билан бўлиши, биз шоир ижодини яқиндан билишимиз, ўзлигимизни англаб етишни даҳо ижодидан бошлашимиз керак.

Лирик қаҳрамон ўқувчи диққатини бепоён алвон лолазорга тортар экан, уқтиради:

**Лолазор эрмаски, оҳимдин**
**жаҳонга тушти ўт,**
**Йўқ шафақким, бир**
**қироқдин осмонға**
**тушти ўт.**

Бу ястаниб ётган лолазор эмас, мен тортган оҳдан жаҳонни тутган ўт (олов)дир. Лолазорларга туташиб кетган кўкдаги шафақлар эмас, бир чеккасидан осмонга ҳам ўт туташиб кетган.

Одамлар ошиқ маҳбубаси ҳуснининг довруғини айтиб, унинг юзи эл уй-жойига ўт қўяди, яъни хонумонгадо қилади дейишаркан:

**Дедилар: Эл хонумонин**
**ўртар ул рухсор ўти,**
**Бу сўз эшитгач, мени**
**бехонумонга тушти ўт.**

Бу овозани эшитган ошиқ иқрор этади: «Бу гап мендай бехонумонга ўт қўйди»:

**Оразингнинг ламъаси**
**куйдурди сабрим хайлини,**
**Барқи офат чоқилиб,**
**ул корвонга тушти ўт.**

Мазмуни: Юзинг ёлқини сабрим хирмонини куйдириб юборди. Гўё офат чақини чақилдию, сабр карвонига ўт кетди.

**Ўқларинг кўнглумга**
**тушгач, куйди ҳам кўз,**
**ҳам бадан,**
**Ким куяр ҳўлу қуруғ,**
**чун найситонға тушти ўт.**

Маъшуқа нигоҳидан ошиқ кўнглига киприк ўқлари ёғилади. Шунинг учун ошиқ айтаяптики: «Ўқларинг кўнглимга тушгач: ҳам кўз, ҳам баданим куйди. Дарҳақиқат, қамишзорга ўт кетса — ҳўлу қуруғ баравар ёнади».

Байтда: «Қамишзорга ўт кетса ҳўлу қуруғ баравар ёнади» деган ибора ишлатилгани учун, таъбир санъатидан фойдаланилган ҳисобланади. Иккинчи мисрадаги ҳўл ва қуруғ сўзлари биринчи мисрадаги кўз ва баданга дахлдордир. Чунки ошиқнинг кўп кўз ёш тўкишидан кўзлари ҳамиша ҳўл, изтироблар исканжасида ўртанаверган вужуди эса — қуруқдир. Ўқувчиларнинг най — қамиш, найистон — қамишзор эканлигини билиб қўйганлари ҳам яхши.

**Совуруб гулу хонумонинму**
**қуюн рангин экин,**
**Ё фалак бедодидин сарви**
**равонға тушти ўт?**

Кўкка ўрлаган қип-қизил чанг-тўзон уюрмасини кўз олдингизга келтиринг: қуюн гулзорни барбод қилгани учун қип-қизилми? Ёки фалак зулмидан ҳаракатдаги сарв дарахтига ўт тушдимикан?

Устун бўлиб қип-қизил чарх ураётган қуюнни ва аъзойи-бадани оловда ловуллаб ёнаётган сарв дарахтини ёнма-ён тасаввур этинг. Ташбеҳ (ўхшатиш) нақадар ўринли!

**Куйдум улдамки, юз**
**очдинг халқни куйдургали,**
**Элга ўт солдинг, вале**
**мен нотавонға тушти ўт.**

Халқни куйдириш учун сен юз очган лаҳзада, мен куйиб ёндим. Сен одамларни куйдирмоқчи бўлдинг, аслида мен шўрлик куйиб кетдим.

**Эй Навоий, билки оҳе**
**чекмишам беихтиёр,**
**Десаларким: «Бешаи**
**Мозандаронга тушти ўт!»**

Эй Навоий, агар одамлар: «Мозандарон ўрмонига ўт тушди» десалар, билгинки, мен беихтиёр оҳ тортиб юборган бўламан.

Ғазалда такрорланиб келаётган «тушти ўт» радифи бу оловли ғазални ловуллатиб турган чўғдай поэтик усулдир. Байтма-байт кузатсак: жаҳонга ўт тушди, осмонга ўт тушди, ошиққа ўт тушди, сабр карвонига ўт тушди, қамишзорга ўт тушди, сарвга ўт тушди, Мозандарон ўрмонига ўт тушди! Ҳаммаёқ ловуллаб ёнмоқда. Китобхон қалбига ҳам шоир ижодий мўъжизаси таъсирчанлиги ўти тушди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

# ШАНБА ОҚШОМИДА

Болалар боғи

## ДЎЛ

**Тасир-тусир дўл ёғиб**
**Ер бетин оппоқ этди.**
**Териб олайин десам**
**Бошимга муштлаб кетди.**

## ОТҚУЛОҚ

**Навбаҳорда ўсаман,**
**Дард-ғам йўлин тўсаман.**
**Есанг танинг бўлар пок,**
**Чопасан мисли тойчоқ.**

## СЕҲРЛИ ШЕЪР

**Шеър ўқисам бор жонвор**
**Оҳангидан эрийди.**
**Сеҳрланиб одамлар**
**Сўрар: кимнинг шеърийди?**
**Ғани дер: ўқи, қани**
**Мен тинглаб эриб кетай.**
**Ҳозирча шундай шеърни**
**Ўзим топмасам нетай.**

## ҚАРҒА

**Қаҳратонда ўлимтик —**
**Кўрса тикади кўзин.**
**Шу нияти баҳордан**
**Бенасиб этган ўзин.**

**Қўчқор БЕКМУРОДОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Чироқчи райони, муаллим.**

# МУҲАББАТ, ОИЛА, ТУРМУШ

**✦ НИКОҲ тўйи инсон умрида энг унутилмас воқеалардан биридир. Турли халқлар уни турлича ўтказишади. Урф-одатларнинг ҳар хиллигига қарамасдан никоҳ тўйларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу — севиш, севилиш, садоқат, ҳис-туйғулар туғёни.**

**Болгарияда 30 йилдан буён чоп этиб келинаётган «Лада» журнали саҳифаларидан танлаб олинган қуйидаги материалларда ҳам шулар ҳақида сўз юритилади. Бу журнал Болгарияда энг оммавий бўлиб, у янги турмуш қураётганларга, шунингдек анча тажрибали оилаларга ҳам мўлжалланган. «Лада» саҳифаларида ёшлар ўртасидаги муҳаббат, оилавий ҳаётни мустаҳкамлаш, болалар тарбияси, эстетика, мода, маиший, маданият масалаларига кенг ўрин берилади.**



## БУ-ЁҚИМЛИ ТЎЙЛАР

**Никоҳ маросимларининг ўз номлари бор. Мана, улар билан танишинг:**

⊙ **Яшил тўй** — уни ёшлар турмуш қуришган дастлабки бир йил мобайнида ҳар ойда, яъни никоҳ бўлиб ўтган кунда нишонлашади. Одатда бундай вақтларда фақат гул тақдим этилади.

⊙ **Хамир тўй** эса никоҳга бир йил тўлиши муносабати билан ўтказилади. Бундай тўйда рўзғор буюмлари совға вазифасини бажаради.

⊙ **Ёғоч тўй**—никоҳдан беш йил ўтгач нишонланади. Совға ҳам номига муносиб бўлади. Унда ёғоч буюмлар — қутича, шамдон... совға ўрнини босади.

⊙ **Мис тўй**—никоҳга етти йил тўлганда нишонланади. Бундай тўйда мисдан ишланган турли тақинчоқлар ва идиш-товоқлар тақдим этилади.

⊙ **Атиргул тўй** — ўн йилликда ўтказилади. Эр хотинига атиргуллардан ясалган нафис дастани беради.

⊙ **Рухланган тўй** — никоҳга ўн икки йил тўлган куни ўтказилади. Шу куни рухли идиш-товоқлар ва ошхона буюмлари совға қилинади.

⊙ **Ойнаванд тўй** — ўн беш йилда нишонланади. Одатга кўра яна совға берилади. Шу куни ойнали буюмлар топширилади.

⊙ **Чинни тўй** эса оилавий турмушнинг 20 йиллигида етиб келади. Бунда чинни сервизлар совға қилиш ўринли бўлар. Чунки никоҳ куни тақдим этилганлари аллақачон сингани эҳтимолдан ҳоли эмас.

⊙ **Кумуш тўй** — ҳаммага маълумки, никоҳга 25 йил тўлиши муносабати билан ўтказилади. Унинг нишонланиши оилавий турмушнинг кумуш каби мустаҳкам, ҳаётий қийинчиликларга дош беришидан далолат беради. Совға — фақат кумушдан бўлиши керак.

⊙ **Марварид тўй** эса 30 йилликда нишонланади. Бу куни қораймайдиган ҳақиқий марварид буюмлар совға қилиш ўринли бўлади. Чунки шунча йил ичида оилада тинч-тотувлик ҳукмрон бўлиб, эр-хотинлар ўртасида ҳеч қачон қора чоҳ вужудга келмаган.

⊙ **Зиғир тўй**ни 35 йиллик турмуш қурганлар нишонлашади. Шу куни эр-хотинларга уй-рўзғор буюмлари совға қилинади.

⊙ **Ёқут тўй** — 40 йилдан сўнг етиб келади. Эр хотинига ёқут кўзли узук тақдим этади. Бу билан у бир-бирларининг қонлари ниҳоятда чуқур сингиганини исботлайди. Чунки ёқут — қон рамзидир.

⊙ **Олтин тўй** — 50 йиллик турмуш нишонаси. Бу тўй жуда қимматга тушади. Чунки одат бўйича бу куни олтиндан, ҳеч бўлмаганда олтин суви юритилган буюмдан совға қилинади.

**Жавоҳир тўйни** эса бахтли инсонлар, яъни 60 йил ана шу тош мисол ҳаётнинг турли чиғириқларидан эсон-омон қутилиб, тинч-тотув яшаган оилалар нишонлашади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

✦ 1985 йилнинг 27 январида Антарктиданинг музли ғори ичида 25 даражада нишонланган тўй—энг совуқда ўтган тўй ҳисобланади. Келин — касби бўйича актриса Хетер Мей эгнига қора иссиқ пальто, юзига катта харир тўр тутиб олган эди. Тўй маросими қатнашчиларининг орасида оқ-қора пингвинлар ҳам бор экан.

✦... бир вақтнинг ўзида энг кўп никоҳ маросимлари 1982 йилнинг октябрида Сэулда бўлган. Бунда жаҳоннинг 83 мамлакат вакилларидан ташкил топган 6 минг нафар келин-куёвлар никоҳдан ўтишган.

✦... энг узоқ никоҳлаш 67 йил давом этган. Шунча йилдан кейингина келин ва куёв Андриана Мартинес ҳамда Октавио Гилен турмуш қуришга аҳдлашишган. Бу вақтда улар 82 ёшга қадам қўйишган экан.

✦... уйланиш борасида 1927 йилда туғилган АҚШда истиқомат қилувчи кишига етадигани йўқ. 27 маротаба турмуш қурган. Шуниси қизиқки, «куёв»нинг энг кичик хотини 15 да, энг катта хотини эса 38 ёшда бўлишган. Шу билан бирга унинг 41 фарзанди бўлиб, улардан 25 таси ўзиники, қолганларини эса асраб олган.

## БИР-БИРИНГИЗГА МОСМИСИЗ?

**Никоҳга жадаллик билан тайёргарлик кетаётган бир дамда бундай савол бериш ўринли бўлармикин? Шундай бўлса ҳам... саволларга ёшлар алоҳида тартибда жавоб беришлари керак.**

⊙ Бурж белгилари турли шарт-шароитларни бирлаштирган ҳолда бир неча гуруҳга бўлинади. Сизлар бир гуруҳга тўғри келасизлармиꓽ?

а) Сув — Ҳут, Ҳамал, Савр.
б) Олов — Жавзо, Саратон, Асад.
в) Ҳаво — Сунбула, Мезон, Ақраб.
г) Ер — Қавс, Жадди, Далв.

⊙ Дўстларингиз билан тез-тез учрашиб турасизми?

⊙ Эр-хотинлар дам олиш ойлигини биргаликда ўтказиши керак деган фикрга қўшиласизми?

⊙ Никоҳдан сўнг куёвнинг қизлардан, келиннинг йигитлардан дўсти бўлиши мумкинми?

⊙ Ота-онангиз бахтли ҳаёт кечиришадими (кечиришганми)?

⊙ Онангиз билан муносабатингиз қандай (эркаклар учун савол) ёки отангиз билан (аёллар учун савол)?

⊙ Турмуш қуришингиздан асосий мақсад?
а) Фарзандли бўлиб уни тарбиялаш;
б) моддий томондан таъмин бўлиш;
в) ўзаро алоқадаги илиқлик, хотиржамлик, тушунувчанликнинг рўёбга чиқиши.

Берилган олтита саволнинг ҳар бирига розилик берувчи жавоб беш очко билан, рад жавоби — ноль очко билан белгиланади. Агар еттинчи саволга жавоб бўлажак турмуш ўртоғингиз билан бир хил бўлса тўплаган жамғармангизга яна беш очко қўшиб қўйинг.

**Шундай қилиб, тўплаганларингиз турмуш ўртоғингизникидан 5 — 10 очко фарқ қилади. Никоҳ яхши бўлиши мумкин. Сизлар ўзаро заруратни қондирасиз. Фарзандларингиз ўзаро яхши тушунувчанлик, севги ва вафо руҳида катта бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.**

**Орадаги фарқ 15 — 25 очко. Бундай фарқ турли қийинчиликларга, оиладаги етишмовчилик ва камчиликларни тушунмасликка олиб келади. Бундай ҳолларни бартараф этишингиз учун ҳаётингизнинг биринчи куниданоқ бир-бирингиз билан очиқ-ойдин сўзлашишга, шунингдек, суҳбатлар чоғида сизни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этишни биргаликда ҳал қилишга ҳаракат қилинг.**

**Орадаги фарқ 25 очкодан кўпроқ бўлса, феъл-атвор бутунлай тескари, шунинг учун никоҳингизнинг турган битгани тушунмовчиликлардан иборат. Оилани сақлаб қолиш икковингиздан ҳам бирмунча кўп сабр-бардошни талаб этади. Шунга тайёр бўлинг.**

## Бўлажак келинлар

Ҳеч қачон бўлажак турмуш ўртоғингиз билан суҳбатни «Сиз менга умуман ёрдамлашмаяпсиз!» деб бошламанг. Бунинг ўрнига ўз сўзларингизни: «Азизим, шунақанги чарчадимки, менга ёрдам беролмайсизми?» деб бошлашингиз маъқулроқ бўлади.

Кераксиз нарсаларга қайсарлик қилавермасдан, кўнгилчанроқ бўлинг, оилавий ҳаёт — космик кемани учириш эмас. Шунинг учун ўзингизнинг айтганингизни, ўз қарорингизни ўтказишда қаттиқ туриб олманг.

Бардошлироқ бўлинг. Агар бераётган саволларингизга суюкли кишингиз «ҳа» ёки «йўқ» деб бир хил жавоб қайтараётган бўлса, у ҳолда ўз муаммоларингизни баён этишингиз бефойда. Ундан кўра: «Азизим, менинг муҳим ишим бор. Биз қачон уни муҳокама қилишимиз мумкин?» деб сўраш ўринли бўлади.

Бундан ташқари бўлажак эрингиз бир хилда жавоб берадиган саволларни беришдан ўзингизни тийинг. Саволга ҳар томонлама ўринли жавоб олишга ҳаракат қилинг. Масалан, «Сиз бўлажак саёҳатимиз хусусида нима дея оласиз?» саволига севгилингиз бир мунча пухта ўйлаб, жавоб беради.

Агар орада жанжал чиқса, гаплашаётган мавзуингиздан четга чиқманг. Иложи бўлса унга «Сиз балки ҳақдирсиз, лекин биз бошқа нарса хусусида гаплашаётган эдик», деб эслатиб қўйинг.

Никоҳ олдидаги ҳар қандай қийин аҳволда ҳам қувониб юришга ҳаракат қилинг. Ахир сиз уни севасизку!

## ...в а куёвларга

Агар сиз никоҳ кечангизни қай йўсинда ўтказишни аввалдан ўйлаб қўйган бўлсангиз, жуда соз. Чунки сиз кўпгина кўнгилсизликлардан ҳоли бўласиз. Агар ўйламаган бўлсангиз, аҳвол чатоқ. У ҳолда келин ва куёв, ота-оналар ўртасида турли жанжаллар чиқади. Чунки улар ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қилишади.

Никоҳ тўйларини ташкил этиш арафасида ишлар шунчалик кўп бўладики, ҳатто энг чидамли куёв ҳам чарчаб қолади. Шунинг учун бундай чиғириқлардан ўтган ёши каттароқ кишилардан маслаҳат сўрашдан уялманг. Улардан фақат маслаҳат эмас, балки ёрдам ҳам сўранг. Энг катта муаммолардан бири, кейинчалик бир неча йил давомида қарзни тўлай олмай юришдан ўзни тийиш учун, тўйни ихчамроқ, камхаржроқ ўтказишга ҳаракат қилинг.

Мулоҳазали бўлиб, келинга энг қиммат узукни олиб беришдан, тўйни данғиллама ўтказишдан ва меҳмонларни энг қимматли ичимликлар билан тўйдиришдан воз кечинг.

Никоҳ тўйи арафасида сиз бўлажак қариндошларингиз билан кўп мулоқотда бўласиз. Ўзингизни уларнинг оилавий жанжалларига кириб қолишдан сақланг.

## СЕВГИ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

**Никоҳнинг қуйидаги усулларидан хабардормисиз?**

⊙ **ҲИС-ТУЙҒУСИЗ НИКОҲ.** Бундай никоҳ моддий томондан келиб чиққанлиги аён. Бугунги кунда эр-хотинлар бир-бирларини онгли равишда танлашлари борасида кўп гап кетмоқда. Бундай никоҳ оилани фақат севги орқали қуриш керак деган фикрга қарши эканлигидан далолат беради. Лекин юқорида баён этилган ҳолда тузилган оила айтарли даражада мустаҳкам бўлмайди.

⊙ **РУҲИЙ БЕКАМУ КЎСТЛИК ТУФАЙЛИ БЎЛГАН НИКОҲ.** Ана шу фикрдаги кишиларга оила — бирон-бир одамга ғамхўрлик қилиш ёки аксинча васийлик қилишдан иборатдек. Бундай ҳолда хотин (тушунган ёки тушунмаган ҳолда) бўлажак эрининг ҳаётда керакли ўрин тутишидаги қобилиятига қараб танлайди. Баъзилар, никоҳдан бирон бир фойда олиш, хусусан ёлғизликдан қутулиш мақсадида оила қуришади.

⊙ **ФАРЗАНД КЎРИШ ИШТИЁҚИДА БЎЛГАН НИКОҲ.** Агар аёл киши ҳомиладор бўлиб қолса, у бўлажак фарзандининг отасига турмушга чиқиши тайин. Баъзан шундай ҳоллар ён-атрофдагиларнинг бўлмағур гап-сўзларидан ҳоли бўлиш учун қилинади, кўп вақтларда эса бундай ишлар бир-бирларини жон-дилдан севганлари туфайли бўлади.

⊙ **АЖРАЛИШДАН КЕЙИНГИ НИКОҲ.** Кўпгина эркак ва аёллар оилалари бузилгач, қайта никоҳдан ўтишга ошиқишади. Бундай вақтларда асосийси — фарзандларни тўла-тўкисли оила билан таъминлашдан иборат. Онгли равишда улар ана шу мақсадни кўзлаб ўзларига муносиб номзодларни излашади. Бир сўз билан айтганда, иккинчи никоҳ чуқур ва жиддий севги орқали вужудга келади.

⊙ **ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАШ ОРҚАЛИ ТУЗИЛГАН НИКОҲ.** «Уддабурон» шерикни топгунга қадар иқтисодий фикрлаш билим доираси кенг кишилар баъзида қартайган вақтларида яқинроқ инсонни қидиришга тушишади. Чунки фақат шундайларгина хўжаликни икки кишилашиб юргизиш осонроқ, деган хаёлда бўлишади.

⊙ **РОМАНТИК СЕВГИ ТУФАЙЛИ ТУЗИЛГАН НИКОҲ.** Бундай никоҳлар шоирлар ва қизларнинг орзуси ҳисобланади. Гоҳида ҳис-туйғулар бир умрлик ҳақиқий севгига айланиб кетади. Бироқ, баъзан ҳис-туйғулар қондирилгач, романтик севги сўнади.

Романтик севги ҳаётдаги шароит тўғри келмаса ёки ота-онанинг севгига қарши чиқиши туфайли тезда кучайиб кетади. Афсуски, барча тўсиқлардан ўтилиб, севишганлар бирлашишгач, ҳис-туйғулар сўна бошлайди, чунки ёшлар феъл-атворлари турли бўлгач, нима ҳақида гаплашишни билмай, даҳшатга тушишади... Асал ойи тугаш арафасида улар «феъл-атворимиз тўғри келмаяпти» деб нолишади. Афсуски шамчироқ қанчалик гўзал товланса ҳам, у бирор муддат ўтгач сўнади.

⊙ **ДЎСТЛИК ОРҚАЛИ БЎЛГАН НИКОҲ.** Бундай никоҳ энг яхши усуллардан биридир. Бу никоҳда Ромео ва Жульеттадагидек ҳис-туйғулар бўлмай, оддий, самимий алоқа ҳукмронлик қилади. Ёшларда умумий қизиқишлар билан бир қаторда ўзгаларнинг қизиқишларини ҳурмат қилиш ҳисси бўлади. Бундай алоқалар кўпинча бир умрлик кучли севгига замин яратади.

⊙ **СЕВГИ БИЛАН ТУЗИЛГАН НИКОҲ.** Аризаларга қараганда бундай никоҳ — энг оммалашган никоҳ ҳисобланади. Киши севгилиси учун барча яхши хислатларини ишга солади. Севгисиз тузилган никоҳ ўта даражада бахтсиз бўлади. Бунга ёшларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари ҳам ёрдам бермайди.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ тўплаган.**

# Энг, энг, энг...

Ўзбекистоннинг мутлақ натижалар китобига даъвогарликнинг муқаддимаси сифатида.

**Ҳурматли оқшомхонлар! Бугундан бошлаб ўзбек «Гиннес» китобини яратиш мақсадида жумҳуриятимиз тарихига битишга арзирли натижа ва воқеаларни эълон қилишга қарор қилдик. Бу маълумотлардан баъзи оқшомхонларимиз хабардор бўлишлари мумкин. Шундай бўлсада юқорида айтганимиздек, улар халқимизга етказишга арзигулик фактлардир. Эзгу ишни биргаликда давом эттирамиз, деган умиддамиз. Зеро, тома-тома кўл бўлур, дейдилар. Қизиқарли, «теша тегмаган» хабарларингизни кутамиз.**

**Шундай қилиб, энг яхши натижалар:**

## БИНОЛАР ИЧИДА

◆ Пойтахтимиздаги «Москва» меҳмонхонасининг биноси Ўзбекистонда энг баланд иморат ҳисобланади. У 23 қаватли бўлиб, бўйи 80 метрдир. Унинг 19 қавати меҳмонлар учун жиҳозланган. Қолганларида эса маиший ва техник хизмат кўрсатиш бўлимлари жойлашган.

Меҳмонхона 1982 йил 1 сентябрда ишга тушган.

## ФАН СОҲАСИДА

◆ Ўнли касрни биринчи бўлиб ким яратганини биласизми? Унинг муаллифи ўн бешинчи асрда Улуғбек обсерваториясида ишлаган ўзбек математиги Ғиёсиддин Ал Кошидир.

◆ Ўзбекистонда энг узун дарё—Сирдарёдир. Унинг узунлиги (Норин билан бирга) 3019 километрдир.

◆ Ҳисор тоғларидаги КПСС XXII съезди номидаги чўққи (4688 метр) жумҳуриятимизда энг баланд тоғ чўққиси ҳисобланади.

◆ Ўлкамизда энг иссиқ бўладиган жой Термиздир. Ёзда у ерда иссиқлик 50 даражагача кўтарилади.

◆ Устюртда эса қишда 37 даражагача совуқ бўлади.

◆ Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, бундан 3—4 йил бурун Самарқанд вилоятининг Омонқўтон қишлоғида ёғингарчилик рекорд даражага кўтарилган. У ерда бир йилда 900 миллиметрга яқин ёмғир ёққан.

## САНЪАТДА

◆ СССР халқ артисти, ўзбек театр санъати онахони Лутфихоним Саримсоқова «Нурхон» пьесасидаги Кимё ролида 30 йил давомида 3 минг мартага яқин ўйнаган.

◆ Кулги устаси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Соиб Хўжаев эса «Тошболта ошиқ» комедиясидаги Тошболта образида 1500 марта саҳнага чиққан.

◆ СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов бўлса уни жаҳонга машҳур қилган Отелло ролини 500 марта қойилмақом ижро этган.

## СПОРТДА

◆ Маълумки, «Пахтакор» командаси 1960 йилдан мамлакат чемпионатининг олий лигасида қатнаша бошлаган. Ўша йили апрель ойида Таллиннинг «Калев» клуби билан ўтказилган учрашувда Г. Красницкий команда тарихидаги биринчи тўпни киритган.

◆ Футбол бўйича СССР спорт устаси унвонига биринчи бўлиб собиқ пахтакорчи Лазиз Мақсудов муяссар бўлган.

◆ Тўпурарлар баҳсида (олий лига мусобақаларида) энг сермаҳсули Г. Красницкий ҳисобланади. У рақиблар дарвозасини 102 марта «ишғол» қилган.

◆ Кучлилар сафида энг кўп майдонга тушган ўйинчи (301) Биродар Абдураимовдир.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ тайёрлаган.**

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

